

# Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши түғрисида

## ШАРТНОМА № 27896

Тошкент ш.

2022 йил 21.06

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б.Р.У.Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ORIGINAL” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва AL-000445 -сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор **М.Р.Ахматбоев** иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргалиқда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 17-июндаги 99188-сонли баённомасига асосан мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуидагилар түғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи ИЛ “Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 36-сон оиласиий поликлиникани реконструкция қилиш (АРТ 1-2, геология, топохарит ва ЗВОСни хисобга олган холда)” учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета хисоби;
- АРТ 1-2 олиш;
- геология ва топохарита олиш;
- ЗВОС хulosса олиш;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хulosаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирав ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан**) **150 800 000 (Бир юз эллик миллион саккиз юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичida шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажурвчи қўйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиха-смета хужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиха-смета хужжатларига тузатишлар киритиши;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига З (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. тайёрланган лойиха-смета хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиха-смета хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиха-смета хужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қлишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичida Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиха-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичидаги ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичидаги Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қиласлик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиши муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қиласликнинг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичидаги тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталарга лойиха смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичидаги ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва заарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бироргаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## 8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий хисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равища пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида

жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳакда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўрилмагандага, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING  
КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И. Каримов кўчаси,  
16А-үй. РКЦ ГУ ЦБ г. Ташкента  
МФО 00014 ИНН 204 775 594  
ОКОНХ 69000  
10002186026277076805054028  
УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА  
МИНИСТЕРСТВО РУЗ  
МИНИСТЕРСТВО РУЗ  
ИНН 201 122 919



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

### БАЖАРУВЧИ “ORIGINAL” МЧЖ

Юридик манзили:

Тошкент ш. Чилонзор туман,  
5-кв, 3-үй, 18- хонадон  
х/р: 2020 8000 9009 4439 0001  
Тошкент ш. “Узпромстройбанк” АКБ  
Қатортол филиали.  
МФО: 00426  
СТИР: 305 534 960  
ОКЭД: 96096  
ҚҚС: 326060094183



Директор ORIGINAL

М.Р.Ахматбоев



Тошкент шаҳар

«21» 06 2022й.

“Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 36-сон оиласиий поликлиникани реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, геология, топохарит ва ЗВОСни хисобга олган холда)” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг  
**БАЁНИ**

**Комиссия аъзолари:**

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТҲРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТҲРОТ бош мутаҳассиси

Ҳолмаматова М.

-БРБЛ ва ТҲРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

**КУН ТАРТИБИ**

“Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 36-сон оиласиий поликлиникани реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, геология, топохарит ва ЗВОСни хисобга олган холда)” обьекти бўйича(кейинги ўринларда обьект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С.Сагдиев, Ш.Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Ҳолмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 07 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг электрон порталига ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) обьектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 99188 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “YANGI-HAYOT PROJECT” МЧЖ ғолиб ташкилот деб аниқланганлиги ва ғолиб ташкилот томонидан ютуқ бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли қонуning 63-моддасига асосан комиссия томонидан аниқланган захирадаги ғолиб ташкилот “ORIGINAL” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.


Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 17 июндаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 36-сон оиласий поликлиникани реконструкция қилиш.(АРТ 1-2, геология, топохарит ва ЗВОСни хисобга олган холда)” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича захира ғолиб ташкилот “ORIGINAL” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

### Комиссия аъзолари.

  
С. Сагдиев

  
Ш. Қодиров

  
О. Хамидов


  
П. Абдусатторов

  
М. Ҳолмаматова

"Т.СИМБАЛАН"  
Тошкент шаҳар маʼмалати  
бюджетнига таʼсисоти

С.Рахимов

2022 й.



Тошкент шаҳар доҳиммалини "Яна буориганичи хизмати" ИКнинг  
Тошкент шаҳар маʼмалатининг 2022 йил 1 январ ҳолатига шакланган эрса колик маблиглари хисобидан  
2022 йилги МАНЗИЛИ РУЙХАТИ

№	Обекткор номи ва маддаси	Куралаш бошланган ва фойдалаништиришинига жумла	Объекткор жумла (шарийати асосида)	01.01.22 й. жохиги	01.01.22 й. жохиги	2022 йил учи китоб ўйинчидар яшати	2022 йил рофзиданини тоҷирништириши	01.01.23 й. жохиги	01.01.23 й. жохиги	2022 йил рофзиданини тоҷирништириши	01.01.23 й. жохиги	Тоҷир (таджир) касаси	Тоҷир (таджир) касаси						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
36	Жасол камиллик таʼсисоти, жонништириши					5 000,000		5 000,000											
1	Сервист гуманинг 12-сон оиласи таʼсисоти тоҷирништириши	2022й. Объект																	
2	Юлборса гуман 4-сонни физигатни дастасасирини раҳони таʼсисоти касаси	2022й. Объект					201,500												
3	Юлборса гуман 52-сонни пешаварини куралашни таʼсисоти	2022й. Объект							201,500										
4	Муро „Ургубс“ гуман 3-сонни пешаварини роҳони таʼсисоти касаси	2022й. Объект					97,500												
5	Муро „Ургубс“ гуман 70-сонни оиласи таʼсисоти касаси	2022й. Объект					97,500												
6	Муро „Ургубс“ гуман 26-сонни оиласи таʼсисоти касаси	2022й. Объект					97,500												

"Кепшилини"  
Тоҷикстонхонагӣ тарасоҷӣ за камбагалини  
көсаргарии боя боликардаси  
П.Шукурев  
2022 й.

12/25  
П.Шукурев  
2022 й.

№	Область/район на местности	Координаты башкортостана	Объекты и виды земельных участков	Учтенные кварталы (штуками)	01.01.22-й квартал	01.01.22-й квартал	2022 йыл урын капиталы Күннәмәләр янында		2022 йылда физикальни төзүлүрлөдөгөн	01.01.23-й, кварталы Административно-территориальная единица Башкортостана	01.01.23-й, кварталы Административно-территориальная единица Башкортостана	Төзөр	Ташшык/номинальный
							Бюджетные фонды	Муниципальные бюджеты					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
7	Омбазар үзүүн 20-сөн оңдайлык поликлиниканың реконструкция калышы	2022й	Област				201,500		201,500	Област			Төзөр
8	Үчтөн үзүүн Гуман күп гарысын жарылдыртуулык поликлиниканың реконструкция калышы	2022й	Област				200,100		200,100	Област			Төзөр
9	Үчтөн үзүүн 22-сөн оңдайлык поликлиниканың реконструкция калышы	2022й	Област				92,500		92,500	Област			Төзөр
10	Бекешхир үзүүн Түркменистан Республикасының поликлиниканың реконструкция калышы	2022й	Област				201,500		201,500	Област			Төзөр
11	Чынчылор үзүүн 36-сөн оңдайлык поликлиниканың реконструкция калышы	2022й	Област				201,500		201,500	Област			Төзөр
12	Мирбабаев үзүүн 1-сөн оңдайлык поликлиниканың реконструкция калышы	2022й	Област				201,500		201,500	Област			Төзөр
13	Яңыкөйт үзүүн Гуман күп гарысын жарылдыртуулык поликлиниканың 1-сөн оңдайлык поликлиниканың реконструкция калышы												Төзөр
14	Яңыкөйт үзүүн Гуман күп гарысын жарылдыртуулык поликлиниканың 2-сөн оңдайлык поликлиниканың реконструкция калышы	2022й	Област				201,500		201,500	Област			Төзөр
15	Яңыкөйт үзүүн 58-сөн оңдайлык поликлиниканың үзүүлүрдөш	2022й	Област				92,500		92,500	Област			Төзөр

№	Наименование объекта капитального строительства	Назначение объекта капитального строительства	Срок окончания строительства	Планируемая стоимость	2022 Начало формирования		2022 Начало формирования	2022 Начало формирования	2022 Начало формирования
					Код объекта	Наименование объекта капитального строительства	Код объекта	Наименование объекта капитального строительства	Код объекта
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
11	2	3	4	5	6	7	8	9	10
12	2	3	4	5	6	7	8	9	10
13	2	3	4	5	6	7	8	9	10
14	2	3	4	5	6	7	8	9	10
15	2	3	4	5	6	7	8	9	10
16	Янтарь Туризм 30-сон орталык поликлиниканың мұнаймен тұмандырылыш	Област	2022ж				92,500		92,500
17	Янтарь Туризм 31-сон орталык поликлиниканың мұнаймен тұмандырылыш	Област	2022ж				201,500		201,500
18	Динарбеков 32-сон орталык поликлиниканың реконструкцияның күштілік	Област	2022ж				201,500		201,500
19	Шыңқырғызырақ 42-сон орталык поликлиниканың реконструкцияның күштілік	Област	2022ж				201,500		201,500
20	Юргаболду Тұраны 97-сонниң мәдениеттағы тұмандықтарынан мұнаймен тұмандырылыш	Област	2022ж				90,400		90,400
21	Юргаболду Тұраны 307-сонниң мәдениеттағы тұмандықтарынан мұнаймен тұмандырылыш	Област	2022ж				113,500		113,500
22	Юргаболду Тұраны 366-сонниң мәдениеттағы тұмандықтарынан мұнаймен тұмандырылыш	Област	2022ж				113,500		113,500
23	Юргаболду Тұраны 225-сонниң мәдениеттағы тұмандықтарынан мұнаймен тұмандырылыш	Област	2022ж				113,500		113,500
24	Юргаболду Тұраны 191-сонниң мәдениеттағы тұмандықтарынан мұнаймен тұмандырылыш	Област	2022ж				113,500		113,500



*[Signature]*



Номинация	Описание работ	Сроки	2022 Нисекүнде көмкөйтілдөр деңгелі		2022 Ыншылдағыштың толықрилділігі	
			01.01.22-к.	01.01.22-к.	01.01.23-к.	01.01.23-к.
			жыныс жыныс	жыныс жыныс	жыныс жыныс	жыныс жыныс
34	Учтеге тұраны Гүлсан санитария эпидемиология оқынушылардың жаңы мәдениеттік жағдайлардағы қарастырылған көмекшілік	2022ж	Облыс	91,000	91,000	Облыс
35	Тұраны Гүлсан санитария эпидемиология оқынушылардың жаңы мәдениеттік жағдайлардағы қарастырылған көмекшілік	2022ж	Облыс	91,000	91,000	Облыс
36	Демографиялық тұрғынның санитариялық жағдайлардағы қарастырылған көмекшілік	2022ж	Облыс	91,000	91,000	Облыс